



## FOREIGN INVESTIGATIVE PRACTICE OF THE CRIMES OF DISSEMINATION OF EXTREMIST IDEA ON THE INTERNET AND ITS PROBLEMS.

Rustamov Asilbek Chori og'li

Senior Lieutenant in the Active Reserve of the  
Personnel of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of  
Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15480540>

**Abstract:** This article discusses the crimes of dissemination of extremist ideas on the Internet, the judicial investigation practice of these crimes. It also analyzes the problems of collecting evidence in these criminal cases, contradictions in some norms, and some shortcomings in criminal procedural legislation. It also provides proposals and recommendations for introducing amendments and additions to criminal procedural legislation, as well as for their application in judicial investigation practice.

**Keywords:** Internet, extremism, extremist activity, dissemination, foreign investigation practice, unacceptable evidence, religious extremism, investigative actions, rapid search measures.

Бугунги кунда интернет жадал суратларда ривожланиб бормоқда. Ундан аҳолининг кўпчилиги қисми ижобий мақсадларда фойдаланиб келаётганлиги билан бирга интернетда турли экстремистик ғоялар ва материалларни тарқатиш жараёни ҳам авж олиб бораётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Интернетнинг глобал, аноним ва тез тарқатувчи хусусияти туфайли интернетда экстремистик ғояларни тарқатиш билан боғлиқ жиноят ишларини аниқлаш, ушбу жиноятлар юзасидан далилларни тўплаш, тергов олиб бориш ва судда ишни кўришда бир қатор муаммолар юзага келмоқда. Интернет жаҳон ахборот тармоғида содир этиладиган экстремизм билан боғлиқ жиноятлар кўп ҳолларда турли мамлакатлар чегараларини кесиб ўтади. Ушбу жиноятлар бугунги кунда трансмиллий жиноятларга айланиб бормоқда. Бу эса миллий ва халқаро ҳуқуқни ҳимоялаш тизимларининг ўзаро ҳамкорлигини талаб қилади. Шу боис, ушбу жиноятларни тергов қилишда самарали механизмлар, халқаро ва идоралараро ҳамкорлик ҳамда аниқ қонунчилик базаси талаб қилинади.

Интернетда экстремистик ғояларни тарқатиш билан боғлиқ жиноятларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ушбу жиноят ишларини тергов қилиш давомида юзага келадиган технологиялар билан боғлиқ муаммолар туфайли суд-тергов амалиётида катта қийинчиликлар юзага келмоқда.

Ҳозирги кунда Интернетда экстремистик ғояларни тарқатиш билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилиш давомида далилларни тўплаш ва уларни аниқлаш энг асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Интернетда экстремистик ғояларни тарқатишни тергов қилиш давомида биринчи навбатда экстремистик материалларнинг тарқалишини аниқлаш ҳамда уларга доир тўғри ва ишончли далилларни топишнинг ўзида муаммо юзага келади. Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилган материаллар кўпинча аноним бўлиб, ушбу маълумотлардан фойдаланувчининг шахсини аниқлаш анчагина қийинчиликларни келтириб чиқаради. Суд тергови учун зарур бўлган далиллар интернетдаги маълумотлардан тикланишга, уларнинг ҳаққонийлиги ва

самарадорлигига асосланиб топилиши керак. Бу эса айнан техник воситалар ва мутахассисларнинг иштирокини талаб қилади.

Бундан ташқари, далилларни тўплаш жараёнида жиноят процессуал қонунчилиги талабларига тўлиқ риоя қилиниши керак. Амалдаги жиноят процессуал қонунчилигида “Далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш: гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш; олиб қўйиш; тинтув; кўздан кечириш; гувоҳлантириш; мурдани эксгумация қилиш; эксперимент ўтказиш; экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш; экспертиза ва тафтиш тайинлаш; тақдим этилган ашёларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни қабул қилиш; телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш, шунингдек тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш йўли билан тўпланади<sup>[1]</sup>”-деб кўрсатиб ўтилган. Юқоридаги нормадан келиб чиқадики далиллар фақатгина тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирлари орқали тўпланади. Бироқ, ҳозирги сед-тергов амалиётида ушбу нормаларга етарли даражада риоя қилинмаяпти. Юқоридаги Интернетда экстремистик ғояларни тарқатиш билан боғлиқ жиноятларда асосан далиллар терговга қадар текширув вақтида тўпланади. Буни суд-тергов органларида ишлаётган амалиётчи ходимлар ўртасида ўтказилган сўровномамиз натижалари ҳам тасдиқлайди.

Сўровномада иштирок этган ходимларнинг аксарият қисми интернетда экстремистик ғояларни тарқатиш билан боғлиқ жиноят ишларида далиллар асосан терговга қадар текширув вақтида ўтказилишини кўрсатганлар.

Бу терговга қадар текширув органи томонидан тўпланаётган далилларни қонуний ва асосли бўлишини тақозо қилади. Сабаби, жиноят ишининг кейинги тақдири айнан дастлабки далилларга боғлиқ бўлиб қолади. Далилларни тўплашда унинг мақбуллигига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Сабаби, амалдаги қонунчиликка кўра терговга қадар текширув вақтида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари чекланган.

Жиноят процессуал кодексининг 329-моддасига кўра терговга қадар текширув вақтида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш ушбу Кодекс 162-моддасининг [иккинчи қисмига](#) мувофиқ шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш мумкинлиги, терговга қадар текширув вақтида бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилиниши кўрсатиб ўтилган.

Бироқ, ҳозирги кундаги суд-тергов амалиётида аксарият далиллар терговга қадар текширув вақтида рухсат берилмаган тергов ҳаракатлари орқали тўпланмоқда. Ушбу тергов ҳаракатлари жумласига нарсаларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни тақдим қилиш; нарсаларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни кўздан кечириш каби тергов ҳаракатлари кўшишимиз мумкин.

Бундан ташқари, амалиётда ўтказиладиган шахсий тинтув ҳам қонунчилик нормаларига зид равишда ўтказилиши кузатилади. Амалдаги қонунчилигимизга кўра “Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси фақат ушбу Кодекснинг 224-моддасига асосан шахсни ушлаган тақдирда, унда қурол борлиги ёки у жиноят содир этганлигини фош қилувчи далиллардан қутулиш ниятида



эканлигини тахмин қилишга етарли асослар мавжуд бўлса, уни шахсий тинтув қилишни ва олиб қўйишни амалга оширишга ҳам ҳақлидир. Бунда шахсий тинтув ва олиб қўйиш баённомаси ушбу Кодекснинг 163-моддаси талабларига риоя қилган ҳолда тузилади [2]. Ушбу нормадан шундай хулосага келишимиз мумкинки, ушлаб туриш қўлланилмаган шахсни шахсий тинтув қилиш ҳам мумкин эмас. Бироқ, суд-тергов амалиётида айнан интернетда экстремистик ғояларни тарқатиш билан боғлиқ жиноят ишларида ушлаб туриш процессуал ҳаракати қўлланмаган шахслар ҳам шахсий тинтув қилиниб, шахсий тинтувда ашёвий далиллар “телефон аппарати, ноутбук ва шунга ўхшаш ахборот ташувчи қурилмалар” ҳужжатлаштириб олиниб, кейинчалик ушбу далилларга асосан шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатиш ва уни жавобгарликка тортиш ҳоллари учраб турибди. Бироқ, ушбу ҳолат далилларни номақбул бўлиб қолишига олиб келишини унутмаслигимиз лозим. Ваҳоланки, “Далиллар мақбулликка оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24.08.2018 йилдаги Олий Суд пленум қарорида “Далил, агар у номаълум манбадан ёхуд жиноят ишини юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган, жумладан, қонунда назарда тутилмаган манбадан, масалан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган тезкор-қидирув тадбири давомида олинган далиллар мақбул эмас деб ҳисобланади. Далил у ЖПК талаблари бузилган тарзда, олинган бўлса ҳам мақбул эмас деб топилади” [3]-деб кўрсатиб қўйилган.

Аслида, юқоридаги далилларни тўплаш билан боғлиқ суд-тергов амалиётидаги муаммо қонунчиликдаги бўшлиқлар натижасида юз бермоқда. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 329-моддаси иккинчи қисми қўшимча қўшиш ва ўзгариш киритиш йўли билан қуйидаги тахрирда баён этилсин:

*Ушбу модда биринчи қисмида кўрсатилган муддат ичида терговга қадар текширув ўтказилиб, унинг давомида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, нарсаларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш, нарсаларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни тақдим қилиш, экспертиза текшируви учун намуналар олиш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш мумкин. Терговга қадар текширув вақтида бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади.*

Юқоридаги тавсиямизни қуйида асослашга ҳаракат қиламиз. Амалдаги қонунчиликка кўра терговга қадар текширув вақтида кўздан кечириш турлари ичидан фақатгина ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришга рухсат берилган. Ушбу нормадан шундай хулосага келишимиз мумкинки, терговга қадар текширув вақтида нарсаларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш ман қилинади. Интернетда экстремистик ғояларни тарқатиш билан боғлиқ жиноят ишларининг аксарият қисми ахборот ташувчи қурилмаларни кўздан кечириш билан боғлиқ. Уларни кўздан кечирмасдан туриб, жиноят иши қўзғатиш мумкин эмас. Бундай ҳолларда терговга қадар текширчи органнинг мансабдор шахси далилларни тўплаш билан боғлиқ жиддий муаммога дуч келади.

Бундан ташқари, Жиноят процессуал кодексининг 140-моддасига кўра нарсаларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни кўздан кечириш тергов ҳаракати терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ва суд томонидан ўтказилиши мумкинлиги кўрсатилган. Ушбу ҳолатда қонун

нормалари бир-бирига зид келиб қолган. Шу сабабли, нарсаларни, хужжатларни ва электрон маълумотларни кўздан кечириш тергов ҳаракатини терговга қадар текширув вақтида ўтказиладиган тергов ҳаракатларига қўшиш керак деган хулосага келганмиз. Амалиётдаги суд-тергов соҳасига яқин бўлган кишилар ичида ўтказилган сўровномамиз ҳам ушбу таклифимизни ўринли эканлигини кўрсатади.

Суд-тергов амали ётида фуқароларнинг ўз ихтиёрига кўра тақдим қилган ашёлари нарсаларни, хужжатларни ва электрон маълумотларни тақдим қилиш тергов ҳаракати ўтказилган ҳолда хужжатлаштириб олинади. Бироқ, амалдаги қонунчиликка кўра терговга қадар текширув вақтида ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш ҳам мумкин эмас. Интернетда экстремистик ғояларни тарқатиш билан боғлиқ жиноят ишларида ашёвий далиллар фуқароларнинг ихтиёрига кўра ҳам тақдим қилиниши мумкин ва ушбу жараён терговга қадар текширув вақтида бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳам ушбу тергов ҳаракатини ҳам терговга қадар текширув вақтида ўтказилиши мумкин бўлган тергов ҳаракатлари сирасига кўшиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, интернетда экстремистик ғояларни тарқатиш билан боғлиқ жиноятларда шахсий тинтув ва олиб қўйиш тергов ҳаракати орқали ҳам далиллар тўпланиши мумкин. Ушбу тергов ҳаракатини терговга қадар текширув вақтида фақатгина ушланган шахсга нисбатан қўлланилиши суд-тергов амалиётидаги муаммолардан бири ҳисобланади.

Тадқиқотимиз давомида тайёрланган сўровномада интернетда экстремистик ғояларни тарқатиш билан боғлиқ жиноят ишларида ашёвий далиллар қандай тартибда хужжатлаштириб олинishi тўғрисида савол берганмиз. Ушбу сўровнома натижаларига кўра саволга берилган жавоблар кутилганидек турлича эканлиги аён бўлди. Шу сабабли, ушбу жиноятларга оид ишларда амалдаги қонунчиликдан келиб чиқиб ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракати ва **“турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, техник ва транспорт воситаларини текшириш” тезкор-қидирув тадбири орқали** ашёвий далилларни хужжатлаштириб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари ҳозирги кунда интернетда экстремистик материалларни тарқатиш билан боғлиқ жиноятларнинг суд-тергов амалиётида техник муаммолар ҳам мавжуд. Бунда асосан интернетда экстремистик материалларни аниқлаш, тўплаш ва анализ қилиш учун мутахассисларнинг технологияга юқори даражада кўникмаларга эга бўлиши зарур. Бунинг учун махсус дастурий воситалардан фойдаланиш талаб этилади. Шу билан бирга, интернетдаги ахборотларни тўплаш ва тиклашда замонавий кибер хавфсизлик ва криптография соҳасидаги муаммолар пайдо бўлиши мумкин, чунки шифрланган маълумотлар ёки зарарланган файлларни тиклашда қийинчиликлар юзага келади.

Бироқ, ҳозирги кунда амалиётда фаолият юритаётган терговчиларни техник томонлама етарли билимларга эга деб бўлмайди. Бундан ташқари, ушбу жиноят ишларини тергов қилиш давомида мутахассислар ҳам етишмайди. Ушбу жиноят ишларини терговининг асосий қисмини ИИО терговчилари амалга оширсалар-да, Вилоятлар ИИБ ЭКМларда техник экспертизаларни ўтказадиган мутахассислар етишмайди. Шу сабабли, Судга оид компьютер техникавий экспертизалар ИИБ

хузуридаги ЭКБМларда ёки бошқа экспертиза муассасаларида ўтказилади. Бу ҳам терговчи ва суриштирувчилар учун етарли даражада муаммоларни келтириб чиқаради.

Бундан ташқари, ушбу жиноят ишлари фақатгина Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Тергов департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари хузуридаги тергов бошқармаларида тергов қилинганлиги сабабли туман ва шаҳарларда фаолият олиб борадиган терговчилар ушбу жиноят ишларини терговига оид етарли даражада билим ва савияга эга эмас десак тўғри бўлади. Буни тадқиқот давомида ўтказилган сўровномамиз натижалари ҳам кўрсатади.

Сўровномада иштирок этган терговчиларнинг кўпчилиги ушбу жиноят ишларини тергов қилишмаган. Ушбу жиноятларнинг йилдан-йилга сезирларли даражада ошиб бораётганлигини инобатга олиб, суриштирувчи ва терговчиларни ушбу жиноят ишлари терговига оид билимларини ошириш керак деб ҳисоблаймиз.

Ушбу жиноятларнинг суд-тергови жараёнида яна бир муҳим муаммолардан бири қонунчиликдаги бўшлиқлар ва муаммолар билан боғлиқ. Ушбу жиноят ишларидаги қонунчиликдаги бўшлиқлар тўғрисида юқорида тўхталиб ўтганмиз. Шунини қўшимча қилиб айтиш мумкинки, Интернетдаги экстремистик ғояларни тарқатиш билан боғлиқ жиноятлар кўп ҳолларда халқаро даражада ҳамкорликни талаб қилади, чунки жиноятчилар кўпинча турли мамлакатларда бўлишлари мумкин. Миллий қонунлар интернетдаги экстремистик контентни аниқлаш ва унга қарши курашиш учун етарли эмас, шунинг учун халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви механизмларини такомиллаштириш талаб этилади. Бундан ташқари, интернетдаги контентни цензура қилиш ва фуқароларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш ўртасидаги мувозанатни сақлаш муҳимдир.

Ушбу жиноят ишлари юзасидан тергов ҳаракатларини олиб боришда қонунчилик турлича талқин қилинмоқда. Масалан, айрим судларда диний экстремистик мазмундаги материални видео ёки файл кўринишида сақлаб турган шахсни ҳам ушбу материални тарқатиш мақсадида сақлаган деб топиш ва жавобгарликка тортиш ҳоллари учраса, айрим судлар ушбу ҳолатда жавобгарликка тортиш учун асослар етарли эмас деб қарор қабул қилмоқда.

Бизнинг фикримизча ҳам экстремистик мазмундаги материални сақлаб келаётган шахснинг тарқатиш мақсадида ушбу материални сақлаб келаётганлиги исботланиши лозим. Ушбу ҳолатни исботламасдан туриб, шахсни жавобгарликка тортиб бўлмайди.

Интернетда экстремистик ғояларни тарқатиш билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилиш ва суд қилиш жамоатчилик билан ҳамкорликни талаб қилади. Ижтимоий тармоқлар ва интернет платформаларининг масъулиятини ошириш, уларга экстремистик контентни ўчириш учун қатъий талаблар қўйиш ва фуқароларни ҳам жиноятларни аниқлашга жалб қилиш зарур. Суд тергови давомида, шубҳали контентни кўрсатган шахсларнинг ҳаракатларини кузатиш ва уларнинг ижтимоий тармоқлардан қандай фойдаланганини аниқлаш учун фуқароларнинг шу маънода ахборот беришлари муҳимдир. Бундан ташқари ушбу жиноят ишлари натижаларини жамоатчиликка етказиб бориш ушбу жиноятларнинг камайишига олиб келади.

Ушбу жиноят ишларини тергов қилишда анонимлик ва шахсий ҳуқуқлар ҳам жиддий муаммолардан бири ҳисобланади. Интернетдаги экстремистик ғояларни

тарқатиш билан боғлиқ жиноятлар тергови жараёнида анонимлик ва шахсий ҳуқуқлар ҳимоясининг муаммолари ҳам кузатилмоқда. Анонимлик интернетдаги экстремистик фаолиятнинг аниқлашини қийинлаштиради, чунки жиноятчилар ёки экстремистик ғояларни тарқатувчилар ўз шахсини яширишга ҳаракат қиладилар. Тергов органи ва судлар гумондор шахсларни аниқлашда тергов режасини ва ўтказиладиган тергов ҳаракатларини тўғри танлашлари зарур.

Суд-тергов амали ётида интернетдаги экстремистик ғояларни тарқатиш билан боғлиқ ишларни тергов қилишда халқаро меъёрларга амал қилиш, далилларнинг халқаро миқёсдаги тан олиниши муҳим. Бу, айниқса, жиноятчиларнинг бир давлатдан бошқа давлатга кўчиши ёки жиноятчига нисбатан халқаро қидирув илова қилинган ҳолларда муҳим аҳамиятга эга.

Интернетда экстремистик мазмундаги материалларни тарқатиш билан боғлиқ жиноят ишларининг суд-тергов амалиётининг турлича эканлиги ва ушбу жиноятларга оид амал қилиниши мажбурий бўлган раҳбарий норманинг мавжуд эмаслиги ҳам жиддий муаммолардан бири ҳисобланади. Ушбу муаммони бартараф қилиш ва ягона суд-тергов амалиётини шакллантириш мақсадида ушбу мавзуга бағишланган Олий Суд Пленуми қарорларини ишлаб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Интернетда экстремистик ғояларни тарқатиш билан боғлиқ жиноятлар суд тергов амалиётида бир қатор қийинчиликлар ва муаммоларни келтириб чиқаради. Замонавий технологиялар, халқаро ҳамкорлик, қонунчилик ва интернет платформаларининг масъулиятини такомиллаштириш орқали бу муаммоларни самарали ҳал этиш мумкин. Суд тергови ва жиноятчиликка қарши курашишда самарадорликни ошириш учун миллий ва халқаро миқёсдаги ҳамкорлик ва қонунчиликни мустаҳкамлаш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, интернетда экстремистик ғояларни тарқатишни тергов қилишнинг ҳуқуқий асослари ва амалиёти ҳақидаги таҳлил, жамиятимиздаги муҳим ва долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда, интернетнинг тараққиёти ва унинг кундалик ҳаётга таъсири, айниқса, экстремистик фаолиятларни тарқатишда янги ёндашувларни талаб қилмоқда. Экстремизм ва терроризмга қарши курашишда давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўзларининг ҳуқуқий механизмларини шакллантирмоқда ва интернетдаги манипуляциялардан ҳимоя қилиш учун тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни жорий этмоқдалар.

Қонунчилик доирасида, интернетдаги экстремистик материалларни тарқатишга қарши курашиш учун қатор миллий ва халқаро ҳуқуқий асослар мавжуд. Ушбу асослар, асосан, инсон ҳуқуқларига ҳурмат қилган ҳолда, жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Шунингдек, миллий судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг интернет платформаларини тергов қилишдаги амалиётининг самарадорлиги аҳамиятлидир. Мазкур соҳадаги ҳуқуқий нормалар ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ташаббуслар, айниқса, техноген соҳадаги янги муаммоларни ечишда муҳим аҳамият касб этади.

Амалиётда интернетдаги экстремистик ғояларни тарқатишга қарши курашишда айрим қийинчиликлар, хусусан, давлатлараро ҳамкорлик, технологиялар тез суръатда ривожланиши ва чегараларнинг ёмон аҳамияти каби муаммолар кўзга ташланмоқда. Бундан ташқари, интернетдаги эркинликлар билан боғлиқ муаммолар, кўп ҳолларда, асосий ҳуқуқлар ва эркинликларнинг бузилишига олиб келади.



Шу билан бирга, интернетда экстремистик ғояларни тарқатишга қарши курашишдаги ҳуқуқий механизмлар доимий равишда ривожланиб, янги таҳдидларга мослашиш зарурати туғилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг, судлар ва халқаро ташкилотларнинг ушбу муаммоларга бўлган ёндашуви ва амалий ишлари, жамиятдаги хавфсизликни таъминлашга, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга катта ҳисса қўшади.

Ўтган талқинлар ва назарий тадқиқотлар интернетда экстремистик ғояларни тарқатишга қарши курашишдаги ҳуқуқий асосларнинг аҳамиятини, уларнинг ривожланиш йўналишларини ва амалиётдаги ўрнини белгилашга ёрдам беради. Бу каби тадқиқотлар, ўз навбатида, бугунги кунда глобал аҳамиятга эга бўлган масалаларни ечишга ёрдам беради

### **Адабиётлар:**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодекси 162-моддаси.

“Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” Олий Суд пленум қарори. 24.08.2018 йил..

